

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ МОд-154  
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2019 йил “д” наеби  
1023-сонли бўйруғи билан  
тасдиқланган

“Почта алоқаси технологияси”

Йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**  
**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта  
махсус, касб-хунар таълими ўйналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил  
18.10 даги 5 -сонли баённомаси билан маъқулланган*

- Тузувчилар:** “Ўзбекистоннинг миллый тиклапишдан миллый юксалиш  
боскичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф.  
И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифизаров, ф.ф.д., проф  
М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.  
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-  
хукукий хужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н.,  
доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Рахмонов.  
“Педагогининг инновацион фаолиятини ривожлантириш”  
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д.  
(PhD) Г.Н.Ибрагимова, ўқитувчилар Р.Дж.Ишмуҳамедов,  
А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хақназарова, М.Инназаров,  
Д.Кушарбаев.  
“Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, касбий  
ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф.  
Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD)  
Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов,  
Ф.Отамуродов.  
“Амалий хорижий тилини ўрганишнинг интенсив усуллари”  
модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсарисева, Н.Джабборова,  
Ш.Файзулаева, У.Гиясова.  
“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳдил ва карор  
кабул қилининг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д.,  
проф. А.Юлдашев, п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.  
**Махсус фанлар бўйича:** п.ф.д., проф. Ф.М.Закирова, ф.-м.ф.н.,  
доц. В.Каримова, т.ф.н., доц. Д.Зайнутдинова, и.ф.н., доц.  
З.Отакўзиева.
- Такризчилар:** Хорижий эксперт: Г.Кобринский – Беларуссия давлат алоқа  
академияси, т.ф.н., доцент.  
Ш.Тўраев, ТАТУ, “АҚТ соҳасида иктисадиёт” факультет декани,  
и.ф.н., доц.

Ўқув дастури Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари  
университети Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия килинган (2019 йил 19.09  
даги 16.94 -сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Карорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан холда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг қасб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнимкаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида бериладётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукуқий хужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоги, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини кўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан холда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

### **I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари**

- 1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукуқий хужжатлари

### **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.
- 2.2. Электрон таълим мухитини ривожлантириш.

### **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўлаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот замонини такомиллаштириш.

3.2. Жаҳон ахборот ресурслари.

### **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишининг интенсив усуслари.

### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Электрон хуқумат тизими.

### **VI. Максус фанлар**

6.1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланиш истиқболлари.

6.2. Почта алоқасини ташкил этиш.

6.3. Почта алоқасида логистика.

### **VII. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнкима ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига куйидагилар киради:

- “Почта алоқаси технологияси” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўнкима, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнгига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Почта алоқаси технологияси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

#### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўнкима ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик махорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация

технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таххил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги хамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### Тингловчи:

- “4.0-ишлаб чиқариш” (Industry-4.0), корхона ресурсларини лойиҳалаштириш (ERP) тизимларини, аклли дунё, буюмлар интернети (Internet of Things), булатли хисоблашлар (Cloud computing), катта маълумотлар (Big Data), Grid- технологияси, виртуал реаллик (Virtual Real) тушунчаларнинг мазмунини ва ўзига хос хусусиятларини;

- Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ислохотини;
- почта алоқасини ташкил этиш ва режалаштириш усуулларини;
- почта алоқасини ташкил этиш йўналишлари турларини;
- почта алоқаси объектлари ва уларнинг таснифини;
- почта алоқаси объектлари классификациясини,
- логистиканинг методлари, концепцияси, функциялари ва услубий аппаратини;
- логистиканинг функционал соҳаларини,
- почта алоқасида логистикани имкониятларини **билиши** керак.

#### Тингловчи:

- почта алоқасини ташкил этишда “4.0-ишлаб чиқариш” (Industry-4.0), корхона ресурсларини лойиҳалаштириш (ERP) тизимларини, аклли дунё, буюмлар интернети (Internet of Things), булатли хисоблашлар (Cloud computing), катта маълумотлар (Big Data), Grid-технологияси, виртуал реаллик (Virtual Real) хусусиятларидан фойдаланиш;

- почта кутиларидан ёзма хат-хабарларни олиш;
- почта йўналишларини тузиш;
- магистрал, вилоятчи, туманичи ва шаҳаричи почта йўналишларини ва почта жўнатиш жадвалларини тузиш;
- почта алоқаси бўлимлари ва почта кутилари тармогини хисоблаш;
- почта алоқасида логистиканинг методларидан ва услубий аппаратидан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### Тингловчи:

- почта алоқаси технологиясини “4.0-ишлаб чиқариш” (Industry-4.0), корхона ресурсларини лойиҳалаштириш (ERP) тизимларини, аклли дунё, буюмлар интернети (Internet of Things), булатли хисоблашлар (Cloud computing), катта маълумотлар (Big Data), Grid- технологияси, виртуал реаллик (Virtual Real) асосида такомиллаштириш;

- почта кутиларидан ёзма хат-хабарларни олиш бўйича почта йўналишларини лойихалаш;
- почта йўналишларини ва почта жўнатиш режаларини тузиш;
- почта алоқасида логистиканинг концепциясидан ва услугий аппаратидан фойдаланиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- почта алоқаси технологиясини "4.0-ишлаб чиқариш" (Industry-4.0), корхона ресурсларини лойихалаштириш (ERP) тизимларини, акли дунё, буюмлар интернети (Internet of Things), булутли хисоблашлар (Cloud computing), катта маълумотлар (Big Data), Grid- технологияси, виртуал реаллик (Virtual Real) имкониятлари асосида лойихалаштириш;
- почта алоқаси тармогини замонавий технологиялари асосида оптималлаштириш;
- почта алоқасини логистиканинг методларидан фойдаланиб бошқариш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

#### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустакил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юкори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдикланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

#### **"ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ" ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎКУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

#### **I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

##### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш боскичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустакил демократик тараккиётининг миллий тикланиш боскичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустакил демократик тараккиёт йўли. Миллий тикланиш боскичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фукаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустакил демократик тараккиёт йўлида эришилган ютуклар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристи. Ўзбекистон тараккиётининг миллий юксалиш боскичида характератлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқка хизмат килсин" гояси. Халқ

қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар хамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришининг мухим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурӣ ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишининг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустакиллик фоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявия ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хуқуқий стандартларга мувоғик аёлларнинг хукукларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта мухим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари.**

Жамиядта ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ килиш хамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилиларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид конун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга карши курашнинг хуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга карши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Ҳалқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Ҳалқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хукуклари. Гендер муаммолари ва ўкув жараёнидагендер-дифференциланган хулк-авторнинг таъсирини хисобга олиш масалалари.

Қонунисти ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишига оид норматив-хуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (иҳтинос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга

кўйиладиган талаблар. Ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишида норматив-хуқуқий хужжатларни кўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогик инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва қасб-хўнар бўйича мумомала қилиши назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни катнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутк маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамоиллари. Ўкув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўкув машғулотларининг ҳар ҳил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустакил ишларини ташкил этиш. Иктидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактика аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустакил ўзини-ўзи қасбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### **2.2. Электрон таълим мухитини ривожлантириш.**

Олий таълим ахборот мухитининг замонавий ривожланиш тенденциялари. Электрон таълим ва унинг инновацион технологиялари. 3D Интернет технологияси.

Оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC - Massive Online Open Course), очиқ таълим ресурслар (Open Education Resurse)дан фойдаланиш методикаси. Видеомаърузалар ва уларни яратиш дастурний воситалари.

## **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, қасбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим,

тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараённида фойдаланиш. Булатни технологиялар. Google булатни хизматларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурлар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошк.) дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **3.2. Жаҳон ахборот ресурслари.**

Жаҳон ахборот ресурслари тушунчаси. Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари. EBSCO PUBLISHING, ProQuest, Springer, Elsevier, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқа тизимлар, уларга кириш шароитлари ва хукукий шартлари.

## **IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятларро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урфодатлари, анъаналари хакида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўнікмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитини лойихалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўнікмаларини ўзлаштириш, илмий маколаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўнікмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон хакида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, қашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза килиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил килиш.

## **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишининг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда ўкув

режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иктидорли талабаларни кидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усууллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усууллари.

Қарор қабул килишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул килишига куйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологияк жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул килиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### **5.2. Электрон хукумат тизими.**

Электрон хукумат тушунчаси, мақсад ва вазифалари. “Электрон хукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-хукукий асослари. Электрон хукумат тизимини жорий этишининг жаҳон тажрибаси. Электрон хукумат ўзаро муносабат шакллари. Ягона интерактив давлат хизматлари портали [tu.gov.uz](http://tu.gov.uz) дан амалиётда фойдаланиш. Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали [e-kommunal.uz](http://e-kommunal.uz) дан амалиётда фойдаланиш.

## **VI. MAXСУС ФАНЛАР**

### **6.1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланиш истиқболлари.**

Ахборот-коммуникация технологияларни ривожланиш истиқболлари. "4.0-ишлаб чиқариш" (Industry-4.0) концепцияси. Корхона ресурсларини лойихалаштириш (ERP) тизимлари. Ақли дунё концепцияси. Буюмлар интернети (Internet of Things). Булути хисоблашлар (Cloud computing). Катта маълумотлар (Big Data) ва уларнинг асосий тамойиллари. Grid- технология концепцияси. Виртуал реаллик (Virtual Real) ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

### **6.2. Почта алоқасини ташкил этиш.**

Почта алоқасини ташкил этиш асослари. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ислохоти. Магистрал, вилоят, вилоятчи, туман ва туманларо почта алоқасини ташкил этиш ва режалаштириш. Магистрал, вилоятчи ва туманичи почта алоқасини тузиш принциплари. Магистрал почта алоқасини лойихалаш. Почта ташиш йўналишлари турлари. Почта кутиларидан ёзма хат-хабарларни олиш бўйича почта йўналишларини тузиш. Магистрал, вилоятчи, туманичи ва шахаричи почта йўналишларини ва почта жўнатиш жадвалларини тузиш. Почта алоқаси тармоғини оптималлаштириш вазифаларининг умумий характеристикаси. Почтани жўнатиш ва алмаштириш. Почтани етказиб беришни ташкил этиш. Почтани жўнатиш режаларини тузиш. Почтани жўнатиш ички ва халкаро режалари. Ягона почта алоқаси транспорт схемасини тузиш принциплари. Почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш. Почтани автомобил, темир йўл транспорти, хаво кемалари билан жўнатиши. Почтани почта вагонларида жўнатиши. Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси корхоналари ва пунктлари жойлашуви ва ривожланиши. Почта алоқаси объектлари ва уларнинг

таснифи ва классификацияси. Почта алокаси бўлимлари ва почта кутилари тармоғини ҳисоблаш. Шаҳарда почта алокасини ташкил этиш ва режалаштириш.

### **6.3. Почта алокасида логистика.**

Логистиканинг предмети ва методлари. Логистиканинг концепцияси ва функциялари. Логистиканинг услугий аппарати. Логистикада харажатларни ҳисобга олиш. Логистиканинг функционал соҳалари. Сотиб олиш ва тақсимлаш логистикаси. Ишлаб чикириш логистикаси. Транспорт логистикаси. Ахборот логистикаси. Почта алокасида логистика.

## **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини химоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустакил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустакил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иктидорли ва истеъоддли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналлarda мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув кўлланма, методик кўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) дарражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустакил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустакил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсни кузатадилар ва тахлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари иштироқида талабалар

гурухи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуласалари кафедранинг йиғилишида мухокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

## **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалкимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституяси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги Конуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим мусасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни кўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юкори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ килиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг коидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли карори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли карори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисадиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июнданги ПҚ-3151-сонли карори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли карори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июнданги ПҚ-3775-сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

22. Ишмухamedov Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.– Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
27. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
28. English for academics. Cambridge University Press and British Council

Russia, 2014. Book 1,2.

29. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
30. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
31. Baldauf, M., Brandner, A. and Wimmer, Ch. 2017. Mobile and gamified blended learning for language teaching: studying requirements and acceptance by students, parents and teachers in the wild. In *Proceedings of the 16th International Conference on Mobile and Ubiquitous Multimedia* (Stuttgart, Germany — November 26 - 29, 2017). ACM New York, NY, 13-24. DOI= <http://doi.acm.org/10.1145/3152832.3152842>
32. Swan, K., Day, S. and Bogle, L. 2016. Metaphors for Learning and MOOC Pedagogies. In *Proceedings of the Third ACM Conference on Learning @ Scale* (Edinburgh, Scotland, UK — April 25 - 26, 2016). L@S '16. ACM New York, NY, 125-128. DOI= <http://doi.acm.org/10.1145/2876034.2893385>
33. Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh. e-Government Applications. Republic of Korea, 2011.
34. Гаджинский А. Логистика. – М., 2007. – 472 с.
35. Князютенков В.А., Птицын Г.А. Оптимизация сетей почтовой связи – М.: - МТУСИ. 2007.
36. Организация автоматизированной обработки почтовых отправлений в крупных узлах связи И.В.Барсук, Г.К.Гиль, А.Л.Воскресенский и др. – М.: Радио и связь. 2005.
37. Барсук И.В. Теория, практика и технические средства почтовой логистики. Радио софт, Москва-2010.
38. Барсук В.А., Губин Н.М., Батый А.Р. Экономико математические методы и модели в планирование и управлении в отрасли связи. М. Радио и связь, 2004.

#### **IV. Интернет сайтлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz), [e-tuit.uz](http://e-tuit.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги: [www.mitc.uz](http://www.mitc.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрланти ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий методик маркази

Директор Т.Т.Шоймардонов  
2019 й.

Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Ректор Т.З.Тешабаев  
2019 й.

Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридати педагог кадрларни қайта тайёрлашти ва уларнинг малакасини ошириш тармок маркази

Директор Ф.М.Закирова  
2019 й.

М.У.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлашти ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси

Бошқарма бошлиғи Ф.Т.Эсонбобоев  
“ ” 2019 й.

М.У.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “АКТ соҳасида илмий тадқиқотларни ва кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштириш бўлими”

Бўлим бошлиғи С.Абдукаюмов  
2019 й.

М.У.